

# ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислохотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Хизматлар соҳасида 203 мингдан ортқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,1 % га кўпайди. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.


## Хизматлар соҳасига тааллуқли фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, минг бирликда (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Ҳозирги вақтда жами инвестицияларнинг умумий ҳажмида хизматлар соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 28,3 % ни ташкил этади, бу эса

иқтисодийнинг ушбу соҳасини ривожланиш истиқболларининг муҳимлиги ва долзарблигини тасдиқлайди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар соҳасига асосий капитал учун инвестицияларни ўзлаштириш (2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Инновацион технологияларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бозор хизматлари ҳажмининг ошишига олиб келади.

Натижада, 2018 йил январь-июнь ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 66562,9 млрд.сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,6 % ни ташкил этди.

Ҳисобот даврида энг юқори ўсиш суръатлари меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар – 134,7 %, молиявий хизматлар – 132,2 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 118,2 %, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 115,2 % бўйича эришилди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш (2018 йил январь-июнь ойлари учун)


	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, %</i>	<i>Жамига нисбатан %</i>
<b>Хизматлар – жами</b>	<b>66562,9</b>	<b>107,6</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	4535,1	118,2	6,8
молиявий хизматлар	9298,1	132,2	14,0
транспорт хизматлари	20132,9	102,3	30,3
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	9729,8	101,9	14,6
яшаш ва овқатланиш хизматлари	1976,4	104,2	3,0
савдо хизматлари	18321,5	100,9	27,5
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	2085,8	102,8	3,1
таълим соҳасидаги хизматлар	1946,4	108,5	2,9
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	926,6	115,2	1,4
ижара хизматлари	1411,5	106,1	2,1
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	1184,3	102,2	1,8
шахсий хизматлар	1722,6	100,8	2,6
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	931,3	134,7	1,4
бошқа хизматлар	2090,4	108,9	3,1

Хизматлар таркибида энг катта улушни транспорт хизматлари (30,3 %), савдо хизматлари (27,5 %), молиявий хизматлар (14,0 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,8 %) ташкил этади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,4 %) ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,4 %) эгаллади.

### **Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби**

*(2018 йил январь-июнь ойлари учун)*




Хизматлар таркибида транспорт хизматлари 30,3 % улуш билан етакчи ўринни эгаллайди. Юklar ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажмининг ошиши омиллари янги бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Автотранспорт воситаларининг мустақил ҳаракатланиши, қулайлиги, ҳаракатчанлиги автомобиль транспорти хизматларига бўлган талабнинг ортишига хизмат қилади. Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 48,3 % билан устунликка эга.

Транспорт хизматларининг умумий ҳажмида қувур йўли орқали ташиш бўйича хизматлари - 19,0 % ни ташкил этади. Транспорт хизматлари жами ҳажмида темир йўл транспорти хизматлари 14,9 % ни, ҳаво транспортида юklar ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар улуши эса 10,6 % ни ташкил этади. Ёрдамчи транспорт фаолияти транспорт хизматлари умумий ҳажмининг 7,3 % ни ташкил қилади.

### Транспорт хизматларининг таркиби

(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва молия-кредит муассасалари хизматлари тез ривожланаётган хизмат турлари ҳисобланади. Янги технологияларга ва бозорни эркинлаштириш натижаларига таяниб, бу фаолият турлари ҳозирги вақтда ривожланишнинг янги босқичи сифатида пайдо бўлди ва бугунги кунда жамиятнинг технологик тараққиёти ва иқтисодийнинг глобаллашувида ҳал қилувчи роль ўйнайди.


Кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, АКТ соҳасида инновацияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмини оширишга таъсир кўрсатади.

2018 йил январь-июнь ойларида АКТ сектори республика ЯИМнинг 2,2 % ни ташкил этди.

2018 йил январь-июнь ойларида республика бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 4535,1 млрд.сўмга тенг бўлди. 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 18,2 % ни ташкил этди.

## Худудлар бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш суръати, %

(2018 йил январь-июнь ойлари учун)




Худудлар ўртасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари Тошкент (123,0 %), Самарқанд (118,7 %), Наманган (118,2 %), Навоий (117,3 %) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (120,5 %) қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича унча юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Хоразм (113,0 %), Сурхондарё (113,3 %), Сирдарё (113,8 %), Жиззах (114,8 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (114,9 %) қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улуш (87,9 %) телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, Интернет, йўлдош алоқа хизматлари ва б.қ.) ҳиссасига тўғри келади.

## Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, %

(2018 йил январь-июнь ойлари учун)




■ АКТ соҳасидаги бошқа хизматлар      ■ Телекоммуникация хизматлари

Валюта сиёсатини эркинлаштириш, шунингдек, истикболли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш кўламини кенгайтириш, молиявий ташкилотлар томонидан инновацион хизматлар кўрсатиш (кредит бериш ва депозит ҳисоб рақамларни очиш бўйича электрон хизматлар кўрсатиш) борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар молиявий хизматлар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатди.

Натижада, 2018 йил январь-июнь ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 9298,1 млрд.сўмга тенг бўлди, ўсиш 32,2 % ни ташкил этди.

## Худудлар бўйича молиявий хизматларнинг ўсиш суръати

(2018 йил январь-июнь ойлари учун)




Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматлар улуши (88,4 %) устунлик қилмоқда. Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта хизматларининг улуши 7,3 % ни, ёрдамчи молиявий фаолият - 4,3 % ни ташкил этди.

**Молиявий хизматларнинг таркиби**  
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Хизматлар соҳасининг ривожланишида энг катта улуш Тошкент шаҳри (32,0 %), Тошкент (7,5 %), Самарқанд (6,7 %), Фарғона (6,2 %) вилоятлари каби ҳудудларда кузатилмоқда.

**Республика бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши**  
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)






Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида энг кичик улушларни Сирдарё (1,3 %), Жиззах (2,1 %), Навоий (2,6 %), Хоразм (2,9 %), Сурхондарё (3,8 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,0 %) эгаллайди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида - 8611,4 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,7 % ни ташкил этди.

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати**  
(2018 йил январь-июнь ойлари учун)



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Сурхондарё (991,5 минг.сўм), Қашқадарё (1001,2 минг.сўм), Наманган (1029,9 минг.сўм) вилоятларида кузатилди.

Худудлар ўртасида юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳри (113,6 %), Навоий (112,9 %), Жиззах (110,6 %), Сурхондарё (107,6 %), Сирдарё (106,6 %), Самарқанд (106,3 %) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (106,4 %) кузатилди.

## Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш

	Жами			Аҳоли эон бошига	
	млрд.сўм	2017 йил январь-июнга нисбатан %	Жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, %	млрд.сўм	2017 йил январь-июнга нисбатан %
<b>Ўзбекистон Республикаси<sup>1)</sup></b>	<b>66562,9</b>	<b>107,6</b>	<b>100,0</b>	<b>2030,7</b>	<b>105,8</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1978,4	106,4	3,0	1070,6	104,9
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	3647,9	106,0	5,5	1207,1	104,3
Бухоро	2885,4	105,1	4,3	1538,3	103,6
Жиззах	1411,2	110,6	2,1	1060,2	108,5
Қашқадарё	3165,4	104,5	4,8	1001,2	102,5
Навоий	1751,9	112,9	2,6	1822,2	111,2
Наманган	2790,9	106,2	4,2	1029,9	104,3
Самарқанд	4473,4	106,3	6,7	1197,2	104,3
Сурхондарё	2504,6	107,6	3,8	991,5	105,3
Сирдарё	866,6	106,6	1,3	1058,2	104,9
Тошкент	4980,3	104,2	7,5	1736,0	103,0
Фарғона	4135,1	105,7	6,2	1138,3	104,1
Хоразм	1949,8	105,6	2,9	1077,2	103,9
Тошкент шаҳри	21316,6	113,6	32,0	8611,4	111,7

<sup>1)</sup>Худудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни қўшган ҳолда